



# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan e-mail: uzas@b2c.uz 2012-yil 3-avgust • №31 (4170)

## ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАНИ

Йигирма бир йилдики, эмин-эркин, ҳақ-ҳуқуқимизни таниб яшамқамиз. Истиқлол байроғи бошимиз узра ҳилпираб турибди. Йигирма бир йилдики, дунё бўйлаб мустақил Ўзбекистон мадҳиясининг улғувор оҳанглари янграйди. Тўқсонинчи йилларнинг бошида таваллуд топган фарзандлар янги давр, янги жамият бағрида вояга етди, ёнимизга кирди, кўзга ташланиб қолганлари уйланиб, фарзанд ҳам кўришди, уй-жойи бўлишди.

### ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ БЎЙ-БАСТИ

Бир қарашда эътиборга молик воқеа эмасдай туюлади бу ўзгаришлар. "Аваллари ҳам шундай бўлган-ку, туғилиш, вояга етишнинг нимаси янглик", дейишлари мумкин. Аммо бу янглик фикр, тор қобикли ўй. Ўз уйинг, ўз Ватанингда туғилиш, ўз байроғинг остида вояга етиш, ўз тилингда алла эшитиш, мадҳиянгни куйлаб камол топиш бошқа! Бу — буюк бахт, илоҳий неъмат. Ўз отини миниб, ўзига мос ва ярашлик либосда ўзи билган йўлдан юрган фикрли-зикрли одам ҳеч қачон мўлжалдан адашмай-

ди. Ўзбекистон буюк келажак сари буюк сафарга отланар экан, мана шу сифатларни ўзида жам қилгани, миллий ва умум-

#### Ёзувчилар уюшмаси айланмаси билан

минсоний қадриятларни ўзига йўлдош билгани учун ҳам ниятига етди. Бизни чалғитмоқчи бўлганларнинг ўзи чалғиди. Ўтган давр ичида мамлакатимизда мустақилликни сақлаб қолиш билан бирга унинг иқтисодий, сиёсий ҳамда маънавий асослари мустаҳкамланди,

янги баркамол авлод тарбияси йўлга қўйилди. Тадбиркорлик, ишбилармонлик кенг қулоч ёзди. Жамиятда янги мулкдорлар табақаси шаклланди, хусусий мулкка муносабат ўзгарди. Диний эътиқод учун таъқиб қилишга барҳам берилди. Одамлар ўз меҳнатлари самараларидан тўла баҳраманд бўлиш, даромадларига яраша турмуш кечириш имкониятига эга бўдилар. Халқнинг ҳуқуқий онги ва маданияти ошди. Одамларда, айниқса, ёшларда жамият ҳаётида фаол иштирок этиш, яъни ижтимоий фаоллик, мамлакат, миллат тақдири учун кураш туйғуси, ватанпарварлик ҳисси кучайди. Биргина шу ибора — "ижтимоий фаоллик" тушунган одамга жуда кўп нарсани аңлатади.

Жамиятда қайтадан шаклланаётган мулкдорлар сафига бир кўз ташлайлик — уларнинг ҳар иккинчиси ёшлар. Фарғоналик, хоразмлик, қашқадарёлик ёки сурхондарёлик деҳқон, бобон, чорвадорнинг, ҳамшира ёки тракторчининг ўғли, қизи, набираси бугун дунёнинг мана-ман деган олий ўқув юртиларида таҳсил олмакда, илмий изланишда, ўқиш ва ўқишда овруполик, узоқ шарқлик тенгдошларидан асло қолишаётганлари йўқ.

Давоми иккинчи саҳифада.



Суратда: Зулфия номдаги давлат мукофоти соҳибалари (чапдан) Айнура Сапекеева, Хуршида Маматова ва Бебиноз Қайнова. Ёлқин Шамсидинов (ЎЗА) олган сурат.

#### Маданият ва спорт ишлари вазирлигида

Ўзбекистон ва Вьетнамни мустаҳкам ва кўп йиллик дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари боғлаб туради. Вақт синовидан ўтган бу алоқалар эндиликда янги, янада муҳим маъқега кўтарилмоқда. «Ўзбекистон—Вьетнам» жамияти мазкур йўналишда катта иш олиб бормоқда. Турли соҳаларда яхши натижалар қўлга киритилмоқда. Сўнгги йилларда икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар ҳажми беш баробарга ошди.

Йиллиги ҳамда Ўзбекистон мустақиллигининг 21 йиллигига бағишлаб тез орада ўтказиладиган Ўзбекистонда Вьетнам кунлари катта дўстлик ва санъат байрамига айланади. 6 сентябр кунини Тошкентда Вьетнам санъат усталарининг катта концерти бўлиб ўтади.

Вьетнам делегацияси раҳбари Зоан Тхань самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, ўзбек халқига, Ўзбекистон маданият ва санъат

### САМИМИЙ МУЛОҚОТ

Олий даражадаги ташрифлар самарали кечмоқда. Ҳар икки мамлакатнинг ҳалқаро сибсат масалаларига доир қарашлари кўп жиҳатдан бир-бирига яқин.

Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган Ханой шаҳри Халқ кенгаши раиси, Вьетнам Компартияси марказий қўмитаси аъзоси Зоан Тхань бошчилигидаги Вьетнам делегацияси аъзолари билан Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигида бўлиб ўтган учрашувда шу хусусда, айни чоқда Узаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришнинг янги йўллари ҳақида сўз борди. Учрашувда Вьетнамнинг Ўзбекистондаги элчиси Ле Ман Луан иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Турсунали Қўзиёв маданият, санъат ва бошқа йўналишлардаги ҳамкорлик алоқалари самараси ҳақида гапирди. Икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 20

арбобларига янги муваффақиятлар тилади, Ханой ва Тошкент ўртасидаги алоқалар янада раванқ топади, деб ишонч билдирди.

Учрашув якунида Ханой шаҳри Халқ кенгаши раиси Зоан Тхань муҳбирларга интервью бериб, шундай деди: — Тошкентдаги учрашувлар натижаларидан мамнунмиз. Улар ҳар жиҳатдан самарали ва қизиқарли бўлди. Узаро манфаатли ҳамкорликни кучайтириш ва алоқаларимизни кенгайтиришга доир барча қарашларда муштараклик мавжуд. Ҳар икки мамлакат кўп асрлик тарихи ва маданиятига эга. Бу кўп томонлама алоқаларни чуқурлаштириш учун яхши асосдир. Тошкентда сентябрь ойи бошларида, Ўзбекистон ўз мустақиллигининг 21 йиллигини нишонлайдиган кезларда бўлиб ўтадиган Вьетнам маданияти кунлари ҳам ана шу мақсадларга хизмат қилади.

Борис БОБОЕВ

## СУРАТЛАРДА ВАТАНИМ МАДҲИ

Қаршингизда мафтункор табиат манзараси... Мавжланаётган денгизни эслатувчи бепоён дада узра тонг отмоқда. Ўт-ўланга бурканган адирлару савлатли тоғлар яшил уммонга туташиб, ажиб уйғунлик ҳосил қилган. Қорал чўққиларни аста силаб ўтаётган булутлар юзида эса қуёшнинг илк нурали товланиб, тонг отаётганидан дарак бермоқда. Юқорида таъриф этилган табиат тасвири оддий ҳаёл маҳсули эмас. Оқ мато юзида моҳирона акс эттирилган ушбу картина муаллифи, Зулфия номдаги давлат мукофоти соҳибаси Сурайё Маъмурбоева. Айни пайтда Ўзбекистон Бадий академиясининг кўргазмалар залига ташриф буюрган томошабинлар ёш рассомнинг кўлаб ижод намуналари билан танишиш имконига эга.

Хабарингиз бор, Зулфия номдаги давлат мукофоти кўлаб иқтидорли ёшлар қаторида тасвирий санъат соҳасида ютуққа эришган мўйилам соҳибларига ҳам топширилади. Қувонарли жиҳати, йилдан-йилга ушбу мукофот билан тақдирланган мусаввир қизлар сафи ортиб бормоқда. Бадий академияда Зулфия мукофотининг ўн бир нафар совриндорлари асарларидан иборат кўргазма ташкил этилди. "Суратларда Ватаним мадҳи" мавзуда ўтказилган ушбу тадбир тез орада бошланиши кўтилаётган Зулфия номдаги давлат мукофоти совриндорлари аҳдуманининг ўзига хос дечбоси бўлди.

Кўргазма давомида томошабинлар эътирофига сазовор бўлган асарлар орасида Бонухон Азизова қаламига мансуб санъат намуналари талайгина. Тасвирий санъатнинг реалистик йўналишида ижод қилувчи Бонухон тарихий обидаларни чизишни хуш кўради. Айниқса, қадимий шаҳар харобаларига бағишланган туркум асарларида ўзига хос улғуворлик акс этган. Мусаввирнинг тасвирий санъатнинг замонавий йўналишларига бўлган қизиқиши ҳам баланд.

Давоми бешинчи саҳифада.

Михаил Левковични тасвирий санъат ихлосмандларига таништиришнинг ҳолати йўқ. Ўзбек фото санъатида узоқ йиллардан бери самарали ижод қилиб келаётган рассом пойтахтимизда ташкил этилган кўргазмаларнинг домий иштирокчиси. Яқинда Тошкент фотосуратлар уйида ижодкорнинг шахсий кўргазмаси очилди.

Экспозициядан муаллифнинг юздан ортиқ суратлари ўрин олган бўлиб, унда "Шаҳар", "Гуллар", "Аёллар рэгбиси", "Муслиқ сеҳри" каби туркум асарлари тақдим этилган. Улар орасида "Тошкент эгизаклари" манзараси диққатга сазовор. Ёмғирдан кейин пайдо бўлган халқобойна вазифасини ўтаб, унда пойтахтимиз курантларининг акси ифодаланади.

### ТОШКЕНТ ЭГИЗАКЛАРИ

М.Левковичнинг ижодий ишларида нозик дид ва юксак маҳорат сезилиб туради. Муаллифнинг ўз ижодий қиёфаси, барча асарларида кўзга ташланувчи дастхати бор. Ижодий ишларида замондош фото усталари ўртасида урғга кирган услубларни кўрмайсиз. Ижодкор оддий портретлардан кўра манзарали ёки ҳаракатдаги суратларни ишлашни афзал кўради. Бу айниқса "Лик" театрига бағишланган "Портретлар" ва "Юрганларим тушларимга киради" туркум асарларида ўз ифодасини топган.

Ўз муҳбиримиз.



Ўзбек халқида кўришиш, саломлашиш, ҳол-аҳвол сўрашиш кишиларнинг бир-бирига меҳр-оқибатини, ҳурмат-иззатини билдиради. Албатта, кўришиш шакли турлича бўлиши мумкин: кичикларнинг қўлини кўксига қўйиб катталарга салом бериши, яқинлигини

ишдан, ўқидан қайтганда саломлашиш, бизга бува-бувиларимиз кўчадан ҳовлига, уйга кирган одам ёшидан, жинсидан қайтий назар ичқаридаги кишиларга салом бериши жоиз, дейишган. Худди ҳозиргидек 60-70-йилларда ҳам яқин қариндошлар маълум сабабларга кўра узоқ вақт дийдорлаша олмаसा, учрашганда кучоқ очиб кўришишарди. Лекин уларнинг бир-бирини қайта-қайта бағрига босиб, силаб-сийлаб юзларидан чўлпиллашиб ўлаверганини ҳечам кўрмаганман. Назаримда, саломлашиб кўришишда ҳам маълум меъёрни сақлаш керак. Ёдимда, бувиларимиз энги узун қўйлак кийиб юришарди. Ҳатто саломлашаётганда ҳам қўлларини энг учидан чиқармасди. Буни ким нимага йўяди, билмадим. Менимча, шу биргина энг вазирати орқали кўришиш ҳам уларнинг шахсий гигиенага қаттиқ риоя қилганини билдиради.

### МЕҲР-ОҚИБАТ РАМЗИ

Ёшларга таълим-тарбия бериш ва маҳалла-қуйга аралашиб, тўю маъракаларда иштирок этиш жараёнида саломлашиш билан кўришиш билан боғлиқ аъналаримизни кўп кузатганман. Бу ҳақда гапирадиган бўлсам, кўнглим тўлган-тўлмаган жойлари бор. Ўқувчилик йилларимизда, талабалик давримизда қизлар бир-бири билан кўл бериб салом-алиқ қилишарди. Шунда ҳам ҳаммаси эмас, яқин дугоналар. Йигит ва қизларнинг аксарияти шунчаки ҳол-аҳвол сўрашиш билан чекланишарди. Ёши каттароқ аёллар кифт олиб, кифтига қоқиб кўришарди. Бир том остида яшайдиган оила аъзолари ўша кезларда ҳам эрталаб-ки нонушта олдидан ва кечки пайт

билдириш маъносига аёлларнинг кифт қоқиб кўришиши, қариндош-уруғлар ва қадрдонларнинг қучоқлашиб саломлик қилиши, ёши улғу отахону онахонларимизнинг набиралари бошини силаб пешонасидан ўпиб қўйиши... Мен салкам чорак аср педагогик фаолияти билан шугулландим.

енг вазирати орқали кўришиш ҳам уларнинг шахсий гигиенага қаттиқ риоя қилганини билдиради.

## КЎРИШИШНИНГ ҲАМ ОДОБИ БОР

Ҳурматли таҳририят! Газета саҳифаларида эълон қилинаётган маънавиятимиз, урф-одатларимиз, халқимиз миллий қадриятларига доир чиқишларни ўқиб, кўндан буюн таажубга солиб келаётган бир муаммо ҳақида фикрлашгим келди. Агар эътибор қилган бўлсангиз, кишин-ёзин, иссиғу совуқ кунларда ҳам тўй маросимларида айрим кишиларнинг тўй эгасига бошқа таниш-билишлар билан, уларни кўрмаганларига атиги икки-уч кун ўтган бўлса ҳам, қучоқлашиб, ҳатто ўпишиб кўришаётганларига гувоҳ бўлаёلمиз.

Энди уйлаб кўринг: куннинг иссиғида ўзингиз терлаб-пишиб, аранг нафас олиб турган бўлсангиз-у, бу ҳам етмагандай дуч келган одам билан сония ўтмаёқ қучоқлашиб кўришаверсангиз. Кўришган қучоқ очиб келаётган одамнинг куйлагую юз-қўзи тердан жиққа хўл бўлиб, ё ўткир атир, ёхуд ичилган ароғу ачимсиқ тер ҳиди анқиб кўнглингизни беҳузур қилса, қандай аҳволга тушасиз?

Ўзи бу одатни ким чикарган? Мен ёшим етмишдан ошган нафақадаги одамман. Бундай хунук одатларни халқимиз орасида илгари сира кўрмаганман. Яқин қариндошларнинг қучоқ очиб кўришишларини тушуна бўлар. Тўю маъракада ҳамминанг тадбир эгаси билан ва ҳамминанг бир-бирлари билан ёппа қучоқлашиб кўришиши ҳам эскидан қолган одатми? Е ўзимиз кашф этган янги удумми? Назаримда бундай қучоқлашиб кўришишларда меҳру соғинчдан

### ТАҲРИРИЯТГА ХАТ

намоийшкороналик, баъзан қандайдир таъма муҳассамдек туюлади. Бу янги одатнинг худди "грипп хуружи"дай ҳаммага, кексаю ёшга қайдан келиб "юққани"га ақлим ҳайрон. Шўро даври амалдорлари аънага киритган бу хунук одатдан халос бўлишнинг вақти келмадимикин? Халқимиз минг-минг йиллардан буюн эъзоз этиб келаётган миллий қадриятларимиз, урф-одатларимизга бундай янгича одатлар нечоғли муносиб ўзи? Дарвоқе, бу масалага тиббиёт ходимлари қандай қарашаркин? Куз-қиш ва эрта баҳорда грипп, шамоллаш эпидемиялари кучайган пайтда оғиз-бурунча уч қават доқа ўраб юрқаниш маслаҳат берувчи тиббиёт ходимларининг ҳам бу масалада ўз фикр-мулоҳазалари бўлса керак, деб ўйлайман. Грипп хуружи бўлмаган тақдирда ҳам айримларда ҳар хил, эҳтимол юқумли хасталиқлар бўлиши мумкин-ку... Бу гапларни айтишдан мақсад мазкур муаммога муштарийлар эътиборини жалб этиш, шу билан бирга маҳалларнинг мутасаддилари, шифокорлар ва олимларнинг ҳам муайян фикр-мулоҳазаларини билдириш. Негаки, истиқлолимиз шарофати билан юртимиз обод, элимиз фарвон бўлиб бораётган экан, айрим янги расм-русумлар ҳам узукка кўз қўйгандек гўзал ҳаётимизга ярашиб тушин дейман.

Давлат Қўлдошев, профессор

**Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги республика Халқ ижодиёти ва маданият-маърифий ишлар илмий-методик маркази, Халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси, республика "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, республика "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ва Алишер Навоий номдаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳамкорлигида "Мустаҳкам оила" йилга бағишлаб**

**ЛАПАР ВА ЎЛАН ИЖРОЧИЛАРИНИНГ АНЪАНАВИЙ РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ФЕСТИВАЛИ** ўтказилади.

**Кўрик-Фестиваль 2012 йил 10 август кунини Алишер Навоий номдаги Ўзбекистон Миллий боғининг ёзги саҳнасида соат 10.00да бошланади.**

**ҲОЛИБЛАРНИ ТАҚДИРЛАШ МАРОСИМИ** соат 17.00да бўлиб ўтади.

Таъкилий қўмита.









**Жумабой Абдуллаев ва Ойимжон Сайдалиева хонадонидagi тўққиз фарзанд ичидa Адҳамжон театр санъатига ўзгача меҳр қўйди. Ўқувчилек йилларидаёқ ўзини катта сазналарда ҳали Гамлет, ҳали Навоий қиёфасида тасаввур қилар, радиоспектакллари диққат билан тинглар, турли асарлардаги қаҳрамонлар монологуларини ёд оларди.**

Афсуски, Санъат институтига ҳужжат топширадиган чоғида томоғи хилпа бўғилиб қолди. "Келиб-келиб шундай пайтда томоғим бўғилади?" Адҳамжоннинг ич-ичидан бесас отилиб чиқаётган бу нидодан азёзо бадаида оғриқ турди.

Хайрияти, икки оёғи бир этикка тикилиб қолган бу пайтда маслаҳатгўй ҳам топила қолди: — Шунга ҳам аза очил керакми? Ҳа, шу институтнинг бирор бошқа бўлимига топшираввер да ҳужжатингни. Артист бўлмаган ҳам, ҳеч бўлмаганда, артистларнинг ичидa юрасан мазза қилиб...

Абдуллаев театр танқидчилиги бўлимига ҳужжат топширди. Институтга кириб, биринчи босқични аъло баҳоларга битирди. Бироқ, уни "Бу факультетни тугатган билан саҳнага чиқа олмайман-ку", деган ўй қаттиқ қийнади. Шунинг учун қайтадан актёрлик факультетига киришга ҳаракат қилди. Лекин қабул комиссиясидангилар унинг биринчи курсни бошқа факультетда ўқиганини билиб қолдишди. Адҳамжон ўз маҳоратини кўрсатиш, орзувига етиш билан овора-ю орқаваротдагилар бошқа ўй билан бош қотиришарди. Келажақда яхши назарийётчи бўлиб етишиши мумкин бўлган Адҳамни бу йўлдан



"Тўй хангомалари" спектаклидан парча.

тингни олғач, колларнинг ролини ўйнамоқчимисан? Хуллас, Адҳамжон ўйлай-ўйлай иккинчи курсга қайтиб келди. Ҳаш-паш дегунча талабалек йиллари ортада қолди. А.Абдуллаев бир гуруҳ тўлқиндорлар билан Сирдарё вилоятининг янги иш бошлаган театрига адабий эмакдош вазирига ишга келди. Бошида яхши одамлар маслаҳат беришганидек, ҳақиқатан ҳам артистлар, саҳна шундоқ ёнгинасида, қўлини узатса етади. Аммо саҳнага чиқиб рол ижро этолмайди. Нима қилсин! "Ҳай

одамлар, мен аслида актёр бўлмақчидим, лекин театр-шунос бўлиб қолдим, рол берсанглар зўр ўйна эдим", деб жар солсинми?

1977 йили у орзусига етгандай бўлди. В.Шукшиннинг "Сергайрат кишилар" драмасидаги милиционер образини ижро этувчи актёр қандайдир

**Вилоят театрларида**

сабаб билан келолмай қолди. Кимдир: "Бор-йўғи икки оғиз сўзи бор. Адҳамжоннинг кўлидан келар-ов", дегандай бўлди. Адҳамжоннинг фақат ўзигагина аён бўлган орзулари тўлқинлари кетди. Гарчи милиционер асар сўнгидa пайдо бўлса-да, ҳаммадан олдин кийини олди. Қаҳрамоннинг тилидан айtilадиган икки оғиз сўзини ичидa 20-30 марталаб такрорлади.

**СЕРҚИРРА САНЪАТКОР**

Ниҳоят, орзиқиб қутилган дақиқалар етиб келгач, саҳнада милиционер пайдо бўлди:

— Бирортангиз ўринингиздан кимирламанг, ҳаммангиз ҳужжатларингизни олиб, столнинг устига қўйинг!

Ана шунда артист Мамажон Нурматов Адҳамжоннинг қифтига уриб қўяркан деди: "Ҳаммаси зўр бўлди. Фақат гапирётганда шундай овоз бергинки, олдинги қатордагилар эмас, балки охириги ўриндиқда ўтирган томошабин ҳам эшитсин".

Бир неча ой ўтгач, ана шундай вазият туғилиб қолди. "Сўнгги фожиa" спектаклидаги етакчи образлардан бири Шавкат ролини ижро этувчи актёрнинг зарур юмуши чиқиб қолибди.

"Менга ишонишларингиз мумкин", деди дабдурустдан у. Ушбу спектаклдаги Шавкат образи Адҳамжоннинг ҳаётида туб бурилиш ҳисобиди. Ана шундан сўнг унга турли ролларни иккиланмасдан топширадиган бўлишди. Ўз имкониятининг янги қирраларини намоян этиш учун вазият туғилди. 37 йиллик фаолияти давомида 120 дан зиёд турли фель-атвордаги ижодий ва салбий, комик ва жиддий қаҳрамонлар образини яратди.

Ўқиш, ўрганиш, меҳнатсеварлик, тинимсиз изланишлар Адҳамжоннинг деярли барча ролларида мукамал аксини топди. "Сўнгги фожиa"да Шавкат, "Сергайрат кишилар"да Соддадил, "Ричард-III"да Лорд Хестингес, "Ҳаммом"да Белвидонский, "Қизбулоқ"да Гунг, "Имзо"да Леонид Шиндин, "Сохта оқсуяк"да рақс муаллими, "Алишер Навоий"да Маждиддин, "Хийлаи шарий"да Шариф, "Қирол Лир"да Герцог Альбани, "Тентак фаршталар"да Қайсар, "Амир Темури"да Садор Оқбуга, "Бу чоллар ёмон чоллар"да Қандак ота, "Бу юрт муқаддас туғроғимди..." (Нодирабеги)да шоир Ҳоziқ ва яна қўллаб овозларни бунинг далилидир.

Адҳам Абдуллаев театр репертуаридан ўрин олган "Илти-мас", "Чорбоғдаги хангомалар", "Эҳ, овсинлар, овсинлар", "Тўй хангомалари" ва "Марварид таққан аёл" каби турли мавзу ва жанрдаги спектакллари режиссёр сифатида муваффақият билан саҳналаштирганини алоҳида қайд этиш жоиз.

Шунингдек Ўзбекистон телерадиокорпорациясининг "Олтин мерос" фонотекасидан жой олган бир қанча радиоспектаклларида етакчи образларни маромига етказиб ижро этган.

Изланувчан ижодкор ўн йилдан зиёд вақт мобайнида Мирзаобод туманидаги драма тўғрагаги бош бўлиб, қатор спектакл ҳамда байрам тадбирларини ўйингоҳларда муваффақият билан саҳналаштириб келаятгани ҳам таҳсинга лойиқ.

Серқирра санъаткорнинг асл соҳаси театршунослик эмасми, театрга келганидан бошлаб шу даргоҳ тарихи ҳақида материаллар тўплади. Қўллаб кекса ижодкорлар билан суҳбатлар уюштирди. Мақола ва суҳбатлари республика матбуотида чоп этиб турилибди. Театр санъатига қўшган ҳиссаси муносиб тақдирланиб, актёрга "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист" унвони берилди, турли ўзбек фестивалларида "Энг яхши эркак рол ижроси учун", "Йилнинг энг яхши актёри" совринларига сазовор бўлди.

Сабоҳат НОРБЎТАЕВА

**МУСИҚАШУНОСЛАР САРДОРИ**

Муסיқашунослик муסיқа санъатининг мураккаб соҳаларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда муסיқа санъати тарихи ва назариясини ўрганиб, уни амалда тадқиқ этишда бир қатор олимларнинг илмий изланишлари олинборшмоқда. Улар орасида ўзбек муסיқашунослик фани даргаларидан бири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, устоз мураббий Адҳамжон Жабборовнинг алоҳида ўрни бор.



А.Жабборов миллий муסיқамиз тарихини ўз рисоаларида кенг ёритган санъатшунослардан. Олимнинг илмий изланишлари, республикаимиздаги етакчи композитор ва дирижёрлар, хонандалар, атоқли санъаткорлар ҳақида ёзган монографиялари, муסיқашунослик ишлари таҳрири Музиқашуносликда катта аҳамият касб этади. Унинг "Ўзбекистон композиторлари ва муסיқашунослари" (Т.Е.Соломонова билан ҳаммуаллифликда) китоби бу борадаги илк адабийётлардан. Анъанани давом эттирган А.Жабборов 2004 йили наватдаги "Ўзбекистон бастакорлари ва муסיқашунослари" китобини чоп этди. Бу сафар композиторлар ва муסיқашунослар доира-си янада кенгайди, янги-янги номлар билан тўлдирилди.

Устознинг илмий изланишлари Ўзбекистонда муסיқали драма ва комедия жанрлари шаклланиши ва ривожини билан бевосита боғлиқ. Жумладан, "Муסיқали драма ва комедия жанрлари Ўзбекистон композиторлари ижодиётида" китобида юртимизда мазкур жанрларнинг илк қадамларидан бошлаб бугунги кунга қадар яратилган ва саҳна юзини кўрган муסיқали саҳна асарлари ҳақида маълумотлар бор. Хусусан, эндиликда маънавий меросга айланган Т.Содиқовнинг "Лайли ва Мажнун", "Гулсара", Т.Жалиловнинг "Нурхон", "Тоҳир ва Зухра", "Алломиш", И.Ақбаровнинг "Момо ер", С.Бобоевнинг "Ватан ишқи" каби муסיқали драма ва комедиялари қаторида замондош композиторимиз Ф.Алимовнинг "Фотима ва Зухра", "Нодирабеги", "Юсуф ва Зулайхо", М.Бафоевнинг "Муҳаббат қўшиғи", А.Расуловнинг "Бир кам дунё" каби қатор саҳна асарлари тарихий маълумотларга асосланган ҳолда муסיқий мисоллар билан бирга ёритилган. Айниқса, ҳар бир композитор ижодининг ўзига хос томонлари, саҳна асарининг мазмун-мо-

ҳияти, муסיқий тили ва услуби кенг ёритиб берилгани эътиборлидир.

Композиторлар ҳаёти ва ижодий йўлини ёритиш, уларнинг ўзбек муסיқа санъатида туғанган ўрнини кўрсатиб беришда устоз муסיқашунос катта ишларни амалга оширди. "Манас Левиев" монографиясида композиторнинг ҳаёти ва ижодий қирралари, асарлари ва уларнинг таҳлили берилди. М.Левиев ижодида етакчилик қилган муסיқа жанрлари, бир қатор муסיқали драма ва комедиялари, "Мафтунигман" ҳамда ҳамму-

**Икки оғиз аил сўзи**

аллифликда ёзилган "Маҳаллада дув-дув гап" кинофильмига муסיқалари, қўшиқ ва романсларига алоҳида тўхталади. Композитор ва дирижёр Мардон Насимов, композитор Шоҳида Шоймардоновага бағишланган монографиялари ҳам мутахассислар ва мухлислар эътирофи сазовор бўлган. Мазкур адабийётлар ҳар бир ёш олим, профессионал муסיқачи учун қўлланма вазирасини ўтаса, муסיқа шинавандалари учун ижодкорлар оламига "саёҳат" қилиш имконини беради.

Бугунги кунда Адҳамжон аканинг шоғирдлари, издошлари турли санъат ўқув юрталарининг профессор-ўқитувчилари, етакчи санъат арбоблари сифатида санъатимиз равнақи йўлида меҳнат қилиб келишмоқда. Ҳамкасблари ва шоғирдлари унинг номини чурқур ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олишади.

Устоз муסיқашунос муборак ёшларида ҳам илм билан шуғулланиб, келажак авлодга муסיқа тарихини етказиб беришда хормай-толмай изланишлар олиб бормоқда. Ҳозирда муסיқа тарихи, Ўзбекистонда муסיқий жанрлар ривожини ва уларнинг тавсифига оид маълумотларни жамлаб, янги китобни нашрга тайёрламоқда.

Муҳайё НАБИЕВА, муסיқашунос

**ОИЛАВИЙ ОРКЕСТР**



— Санъатга, айниқса, муסיқага қизиқишим жуда эрта бошланган — дейди оила бекаси, Ўзбекистон Миллий симфоник оркестри концертмейстери Заҳро Абдуназарова. — Оила-

Жаҳон скрипкачилари репертуаридаги асосий куйларни ижро этиши унинг солист сифатида ўзини тўлиқ намоян қилишига имкон беради.

Ёш ижрочининг ўқиш даврида, ундан сўнг Ички ишлар вазириликнинг намунавий оркестрида, қўшма оркестрлар таркибидa тўплаган тажрибалари Миллий симфоник оркестрдаги фаолиятида кўз келди. Таниқли хонанда Исмомил Жалилов, дирижёрлар Фани Тўлаганов, Элдор Азимов, Қувонч Усмонов, Анвар Эргашев раҳбарлигида яқна номерларни кўтаринки руҳда ижро этиб, мухлислар олқишига сазовор бўлди.

Бу ўринда том маънодаги ушбу оилавий ансамблининг бошини бир ерга қовуштириб келаятган бир инсон номини тилга олмаслик мумкин эмас. Бу инсон Заҳрохон учун қайнона эмас — она, фарзандлари учун буви — Милоҳат Назарова.

— Аҳил-инок, оилаимизнинг табири жоиз бўлса, "дирижёр" аслида Милоҳат онамиз бўлади-лар, — дейди Заҳрохон. — У киши ҳамма нарсани нозик ҳис қиладиган, тушунадиган ва меҳрибон инсон. Агар биз шу қўнғача бирор нарсага эришган бўлсак, албатта, онамизнинг ҳиссаси катта.

Заҳро Абдуназарованинг ўтган йили, Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида Президентимиз фармонида кўра "Шўҳрат" медали билан тақдирланиши ўзи ва оиласи ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Оиланинг қолган аъзолари ҳам ундан ибрат олиб, ижодда янги-янги ютуқлар сари интиломоқдалар.

Инна КОГАН

**2012 йил — Мустаҳкам оила йили**

мизда энг сеvimли машғулот санъат ҳақидаги баҳслар, ўрнатининг одам ҳаётидаги урни борасида суҳбатлар эди. Отам врач, она педагог бўлса-да, азбаройиб санъатга муҳаббатлари зўрлигидан оиладаги учта қиз муסיқачи бўлиб етишди. Уйимизда ҳаммаша ўзбек халқ қўшиқлари билан бирга турли халқларнинг куй-қўшиқлари, ариялар, романслар янграб турарди. Шу тариха муסיқанинг сеҳрли оламини илк қадамларни қўйганимиз. Ҳақиқий билим ва кўникмага Успенский номидаги муסיқа академик лицейида эга бўлдик.

Марлис Юнусонов, талабалар симфоник оркестри бадий раҳбари Владимир Неймер каби ўз ишининг моҳир усталари сабоқлари ҳам ижро маҳоратининг ўсишида муҳим аҳамият касб этди. Ҳар қанча ўқиб ўрганган билан одамнинг ўзида танланган касбига нисбатан чўқур муҳаббат, фидойилик, изланишга иштиёқ бўлмас ижодда юқори натижаларга эришиш мушкул. Заҳро Назарова консерваторияда ўқиб юрган даврида талабалар симфоник оркестрининг концертларида қатнашарди.

Бобомурод ТОШЕВ

Фаргона шаҳридаги Ю.Шакаржонов номидаги ўзбек муסיқали драма теат-

**Бошлангич биринчи саҳифада**

олган ёрқин рангли, нафис шаклларга бой асарларда Шарқ аёлларига хос нафосат уфуриб туради. Айниқса, аёлнинг ички дунёсини акс эттирувчи картиналар эътиборингизни тортади. Мисол учун Муҳайё Тешабоева асарларида томошабинни жалб этувчи сеҳрли наво яширингандек. У аёл қиёфасини гоҳ тумор тимсолида, гоҳ гўзал малика тарзида тасвирлайди. Яна бир эътиборга лойиқ жиҳат шундаки, М.Тешабоева ижоди маълум бир жанрда чеклиниб қолмаган. Ижодкорнинг мойчечак натюрмортида болаларча самимийлик кўзга ташланса, чинни гуллар композициясида жўшқин кайфият, ёрқин ранглар ифори сезилади. "Аёл портрети" да эса рассом қаҳрамоннинг мураббийлик вазирига оид бўлишига интилиш сезилмайди. Аксинча, ижодкор ўз асарларида асосий эътиборни воқеа руҳиятига, унинг асл моҳиятига қаратади.

**СУРАТЛАРДА ВАТАНИМ МАДҲИ**


Шундай фикрларни қорақалпоғистонлик мўйқалам соҳибаси Айнура Сапекеева ҳақида ҳам айтиш мумкин. Айнура чизган асарларни кўздан кечириб туриб, ижодкор табиат манзараларига ўзгача меҳр билан ёндошганини илғайсиз. Дарҳақиқат, Айнура табиат тасвирларини катта рассомларга хос маҳорат билан чизади. Айниқса, қишлоқ манзараларини яратишда ноанъанавий ифода воситаларидан кенг фойдаланади. Бир қарашда кўримсиз бўлиб туюлган даряхтзор манзарасида Айнура нафис ранглар жиљвасини топишга эришган. Тўғри, ижодкор-



Азиз ИМОМОВ

**СУРАТЛАРДА ВАТАНИМ МАДҲИ**

раккаб ички дунёсини нигоҳлари орқали очиб беришга интилади. Зиёда Ақбаралиеванинг кулолчиликл асарлари ҳам томошабинлар назаридан четда қолгани йўқ. Зиёданнинг маҳорати рангтасвир усталаридан кам эмас. Декоратив лаганлар ижодкор учун ок мато вазирасини ўтаган десак муболаға бўлмайди. Эътиборли жиҳати, Зиёда ҳам ўз асарларида барча жанр имкониятларидан кенг фойдаланади. Кўргазма залининг маркаидан жой олган лаганларга портрет, натюрморт, манзара услубида яратилган тасвирлар нафис дид билан туширилган. Ижодкорнинг ишлари декоратив санъатга яқин, бироқ уларда рамзий ифодалар, тарихий обидалар тасвирларини ҳам учратиб мушкун.



Санъаткорнинг ижодий фаолиятида мукофот ва совринларнинг аҳамияти катта, албатта. Мукофот ва совринлар, бу аввало, эътироф белгиси. Аммо шунинг унутмаслик лозимки, санъат илҳомландларининг эътирофи келгуси муваффақиятлар учун замин бўлиши мумкин. Буни "Суратларда Ватаним мадҳи" кўргазмасида иштирок этган Зулфия мукофоти номзодларининг ижод намуналари мисолида ҳам аққол кўраемиз. Зеро тадбирда иштирок этган ҳар бир ижодкорнинг асарини эътиборга олади, ҳар бири ҳақида мулоҳаза юритса, фикр билдирса арзийди. Албатта, намойиш этилаётган асарларнинг барчаси ҳам катта рассомларга хос профессионал даражада эмас. Бироқ улардаги изланиш, мавзулар камрови тажрибали рассомларни ҳам ҳайратга солишга қодир. Буни кўргазмага ташриф буюрган томошабинларнинг ҳайратга тўла нигоҳларидан ҳам хис этдик.

Азиз ИМОМОВ

**МАДАНИЙ ҲАЁТ**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирилиги Маданият саройида "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танловининг вазирилик миқёсидаги босқичи бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлар ва Транспорт ички ишлар бошқармалари, бир қатор соҳавий хизматлар, шунингдек вазириликнинг таълим муассасалари вакиллари она юртимизини мадҳ этувчи куй-қўшиқлари билан иштирок этишди.

Кўрик-танлов якунларига кўра ИИБ Ашула ва рақс ансамбли ("Мустаҳкам оила", З.Неъматов шеъри, А.Ниязимбетов муסיқаси) ғолиб деб топилди. Иккинчи ўринга Қорақалпоғистон Республикасидан А.Алланьязов ("Муқаддас Ватан", М.Нагметуллаев

шеъри, А.Пахратдинов муסיқаси) ҳамда ИИБ Ашула ва рақс ансамбли хонандаси Ф.Қамбаров ("Она Ватан — ҳур Ватан", Н.Жонузқов шеъри, Ш.Йўлдошев муסיқаси) лойиқ топилди. Учинчи ўрин Фаргона вилоятидан Х.Йўлдошев ("Ягона Ватан", Х.Йўлдошев шеъри, Қ.Ғиёсов муסיқаси), Сурхондарё вилоятидан М.Усмонова ("Ватан", З.Неъматов шеъри, М.Маждидова муסיқаси) ҳамда Қашқадарё вилоятидан Д.Рўзиёевларга насиб этди. Ғолиб ва совриндорларга қимматбаҳо совғалар ва дипломлар топширилди.

рида "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Туман босқичи ғолиблари қатнашган бу танловда фарғоналик Шарифхон Якубов биринчи ўринга сазовор бўлди.

Иккинчи ўринни Қўштепа туманидан Нодирбек Хайдаров ва Кува туманидан Зилола Ҳабидуллаевлар эгаллади. Учинчи ўринга Сўх туманидан Наримон Мирзабоев, Фарқат туманидан Орзулгул Толипова, Марғилон шаҳридан Сатторбек Исмомовлар лойиқ деб топилди.

Ғолиблар танловнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритди.

Озода БУРХОНОВА

### Бошланиши биринчи саҳифада.

## КЎРИШИШНИНГ ҲАМ ОДОБИ БОР

Мен илк марта икки йилгича аввал қўл ушлашди, сўнг кучоқлашиб қалла тўқитирилганини кўрганимда, улар ҳазиллашди, деб ўйлаганим. Кейин билсам, бу саломлашнинг янги сўзончи усули экан. Ташқаридан қараганда жуда хунук кўринади: икки кўчқор жанжаллашаётганга

лари нима? Албатта, дугоналари билан кўришиш. Энди шу ҳолатни бир тасаввур қилинг! Айни саратон куниди терлаб-пишган, устига-устак эгниларидан турли хид таралётган икки қиз ёки жувон қайта-қайта ўпишиб

хол-аҳвол сўрашсалар яхши эмасми! Бизнинг "Баҳор" маҳалламизда 14 миллат вакиллари иборат беш ярим мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Худудимизда 40 та кўпқаватли уй ва ховлили турар жойлар бор. Очиғи, кўчада болаларнинг салом беришига қараб ҳам уларнинг отанаси қандай одамлар эканини билиш мумкин.

Тўхталамиз. Мисол учун, тўй-маърақада бир уй аёл ўтирса, кейин келган меҳмон уларнинг ҳар бири билан кўришиб чиқиши шарт эмас. Ичкарига кирганида "Ассалому алайкум" деса, барчага салом берган ҳисобланади.

## МЕҲР-ОҚИБАТ РАМЗИ

ўхшайди. Ёшларни ёш десак, афсуски, бугун кап-катта эркаклар орасида ҳам бундай ҳолат кузатиляпти. Одатда кичиклар катталарнинг қилиғини қилишга ҳавасманд бўлишади. Ҳозирда ўрин алмашган, шекилли, катталар кичиклардан саломлашш "одоб"ини ўзлаштириб оляпти.

кўришяпти. Ахир, бунча пайтда одам кўришиш туғул бир-бирига яқин боришга ҳам истиқола қилмайдами? Тагин юзларидан из қолдирган лаб бўёғини даструлмолчаларида ўчириб, бир-бирдан уёр сўрашларига нима дейсиз?! Шунча ортқасда ташвиш қилиб ўтирмасдан, қўл бериб кўришиб,



**Муъассар РАҲИМЖОНОВА, Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туманидаги "Баҳор" маҳалласи хотин-қизлар кўмитаси раиси**

## ҲАЁТ ИЛИКСИРИ ҚАДИМГИ ФАНАКЯЭМА?

Илмилар тадриҷотчилари қадимги даврларда одамнинг неча йил умр кўришига доир қарарларида яқинлаша қараш олганлар. Қадимшунос-археологлар ўтган одамлар ағди 20-30 йил умр кўрган, деган тахминни қилган сурхиса, Инжилда етти-ўн ёшгача аср, дейилди. Эҳтимол, ҳақиқат шу тахминларнинг ўртасида бўлса алабас...

1918-1943 йилларда Франция мустамлақаси бўлган Ливандан 1921-1926 йилларда француз олимлари олиб кетган 12 та мўмиёланган финикияликнинг жасадини қайтариб беришни ливанликлар расман талаб қилишди. Бироқ хануз бу жасадларнинг ҳусусий коллекцияларга сотилгани ёки музейларга топширилгани ёхуд умуман ўғирлатилгани ҳақида бирор-бир маълумот йўқ. 1991 — 2004 йилларда ливанликлар яна шу талаб билан чиқиди. Бироқ Франция томонидан жавоб бўлмади.

Ливанлик расмийларнинг таъкидлашича, мўмиёланган финикияликларнинг жасадири Баблос шаҳридаги Баалбек ибодатхоналари мажмуидан олиб кетилган: XX асрнинг 20-йилларида француз археологлари Пьер Монте ва Морис Дюнонд шу жойда қазиб ишларини олиб боришган. Ҳўш, шунга нима бўпти, дейдиганлар ҳам йўқ эмас. Аммо гап шундаки, Британия музейи 200 йилдан бери Грецияга Парфенон барельефларини (бўртма нақшлар), Венеция эса Византия императорлари тахтини қайтариб бермаёпти.

Июль ойи бошларида Ливан матбуоти, номи аниқ бўлмаган манбаларга таянган ҳолда шундай хабар тарқатди: Баалбек ибодатхоналарида олиб кетилган мўмиёланган жасадлар Франциянинг махсус хизмат лабораторияларида ярим асрдан буён тадқиқ этилаётган экан. Ҳўш, макур мўмиёлар қандай мақсадда ўрганилмоқда? 1962 йили ўтказилган таҳлилнинг натижасида, мўмиёланган 12 финикияликнинг ҳар бири тахминан ...300 йил умр кўриб оламдан ўтган экан.

— Кўрапсизки, бу ахборотнинг илмий, ҳужжатли исботи йўқ, — дейди Библис архивининг вице-директори А. Жемир. — Фақат шуни айтиш мумкинки, Финикияда узоқ умр кўришга доир тадқиқотлар давлат қўлида олиб борилад. Миллоддан аввалги 969-936 йилларда ҳукмдорлик қилган подшо Хирам I Бааладаги кохинларга абадий навиқронлик иликсирини топишни, уни тайёрлаш усулини ўзлаштиришни буурган. Шу мақсадда тадқиқотлар олиб бориш учун Библис ва Баалбекда иккита ибодатхона қурилган. Натижа қандай бўлгани аниқ эмас. Подшо Хирамнинг ўзи эса 53 ёшида вафот этган.

12 та мўмиёланган сирли жасадининг 9 таси Монте ва Дюнонд томонидан айнан Ливан шимолидаги Баала ибодатхонасидаги қазув ишлари пайти топилган. Подшонинг буйруғига биноан кохинлар "мўйжиза сирини" топмасдан бинодан чиқмаслиги тайинланган. Подшо Хирам узоқ умр кўриш илҳинида қаййурган: кохинлар олиб бораётган тадқиқотларга қаноат қилмай, Офир деб аталган сирли мамлакатга денгиз экспедициясини йўлгадан. Инжилда тилга олинган бу мамлакатни ҳар бирининг ёши 300 дан 500 гача бўлган, юзини ниқоб билан тўсган олти нафар оқсоқол бошқарган.

— Бааладаги ибодатхона ертўлаларида археологлар томонидан одам суякларига тўла хоналар топишган, — дейди тарихшунос Раҳим Гейдар. — Баал шундай ёвуз тангри бўлганки, финикияликлар унга ҳатто ўз болаларини ҳам қурбонликка олиб боришган. Бундай маросимлар фақат байрамлар чоғи халойик олдида ошкора амалга оширилган. Бироқ кохинларнинг шунча одамни неча айнан ертўладаги ўлдиришига бирор-бир изоҳ йўқ. Улар ё Бааладан подшо Хирамга узоқ умр ато этишни илтижо қилиб ибодат қилганлар ёхуд... ўзлари яратган доридармонни қулларда синая кўришган. Эҳтимол, ибодатхонадан топилган мўмиёлар "ҳаёт иликсирини" топишга муваффақ бўлган кохинларнинг жасадларидир? Балки шунинг учун ҳам французлар уларни ўз ватанига қайтариб беришни истаётгандир... Ахир, узоқ яшашишнинг рецети (малҳам тайёрлаш усули) миллионлаб нефт қудуқларидан қимматроқ туради-да.

Тадқиқотларнинг натижасида, Мисрда Рамзеслар сулоласи ҳукмдорлик қилган даврда одамларнинг ўртача умри 25-30 ёшга етган экан. Ҳаётнинг ўртача умри қанча қисқарган экан, Инжилда эса, Одам алайҳиссалом 930 йил, унинг ўғли Сиф 912 йил, Ерузалемнинг сув босганда кема ясаб ўз қавмини қутқариб қолган Нуҳ лайғамбар эса 950 йил умр кўришгани қайд қилинган, деб эътилган. Инжилга қўра, 969 ёшида жаннатга тушган Мафусаил эб узоқ умр кўрган одам дейилади. Агар Инжилга ишониладиган бўлса, ўша замонда аёллар 90 ёшида фарзанд туришган, 125 йил яшаганларга нисбатан етуқликка қадам қўйди, деб ҳисобланган.

Черков тарихчиси Евсейни Кесарский ўз қайдномаларида мамлакатни 100 йилдан бошқарган беш нафар Миср фиравини ҳақида маълумот беради. Улардан бири, фирваин Пел II инг юз йил ҳукмдорлик қилгани эса ҳужжатлар билан тасдиқланган. У олти йилда тахтга чиқиб, 94 йилдан сўнг (миллодга қадар 2184 йили) вафот этган. Ҳозирги ҳисоб-китобларга таяниб айтганда Пел II... 400 йил яшаган бўлиб чиқади!

— Ҳатто қадимги йилномачилар ўртасида ҳам нега айрим одамлар узоқ яшайди-ю, бошқалар кам умр кўради, деган бахслар бўлиб турган, — дейди ливанлик тарихчи А.Адабашьян. — Геродот Эфиопиядаги бир сирли чашма ҳақида ёзган: унинг сувидан ичиб юрган подшолар ва уларнинг сарой аҳли 200 йилгача умр кўришган. Албатта, бундай миш-мишларнинг 75 фоизи афсона... бироқ нега энди қадимги даврларда ҳукмдорларнинг ўз фуқароларидан қўра узоқроқ яшашига имкон берувчи табиий дорилорлардан фойдаланган, деб ўйлашга керак?

Бинобарин, ўрни келганда айтиш керакки, испаниялик боён Хуан Леон 1513 йил баҳорида "абадий навиқронлик манбаи"ни қидириш учун Багам оролларида экспедиция уюштирган. Қарилбик ҳинду қабилалари унга Бимини оролидаги "абадий навиқронлик манбаи" ҳақида айтишган экан. Бироқ Хуан бундай манбаини топмаган. Биминидаги ер ости йўллари охирида эса қандайдир шифобахш кўлли қор бўлиб, унга хоҳланган бемалол кириб чиқаришган. Қўлдаги литий ва оптингуртта тўйинган чуқук маъданли сувда қўйилганлар ўзларини вақтинча яшаргандек ҳис этишган...  
...Афтидан Ливан ва Франция ўртасидаги мунозара ҳам жўяли экан топмас керак. Уч минг йил аввал мўйжизавий дори-дармон шарофати билан 3-5 аср умр кўрган одамлар ҳақиқатдан ҳам бўлганими, деган жўбоб эса янада қизиқарлироқ. Ҳозир олимлар шу саволга жавоб ахтаришмоқда.

**“АиФ”нинг 29-сонидан.**

...Кўёнинг қиздиришидан чанги чиқиб кеткан хавлига сув сепаб турган Ойбодоқ ташқаридаги гулдир-гулдирни эшитди ва чапиб меҳмонлар ўлтурган уйнинг даричаси ёнига келди: "Келишканга ўхшайдирлар", деди. Ўзбек олим гапириб турган сўзини ярим йўлда қолдириб, ўрнидан турди ва меҳмонлар ҳам унга эргашдилар. Зайнаб бўзарган ҳолатда уйга югуриб кетди. Ўзбек олим бошлиқ — хотинлар ҳавли юзасига тушдилар. Моҳира олим қизи Хўшрўйнинг қулোগа нимадир шивирлаб кулиб қўйди. Ўзбек олим ўрта эшикка бориб етмаган ҳам эди, нариги ёқдан қўшнинг боғи югуриб кириб қолди.

— Суйинчи беринг, бек буви, кенноийим келдила!  
Ўзбек олим чўнчағига қўлини солиб беш-ўн пул олиб берди. Бола орқасидан Хасанали кўринди:  
— Қани оёи, кўрманини беринг-чи, мен сизнинг қочқоқ келинчилигини тўтиб келдим! — деди ва йўлакка қараб: — Тўхтанг, тўхтанг, илгари мен суйинчимни ундириб олай.

— Хой, пошшо келин! — деди, — бизлар кутиб қолдик-а, уялманг болам! Ҳасаналининг кўрманиси бўлса таяёр!  
Хасанали йўлакка қараб имлади... Қип-қизарган ҳолда Кумуш кўринди: паранжиси қўлида, қора атлас қўймак эғида, зангोर латта мурсак устида, оқ шохи рўйиол бошида эди. Шаҳло қўзлари қулимсирашга яқин ҳолда уятлик эдилар.  
Хасанали танидди:  
— Мана бу киши қайин онангиз — бек ойим бўла-

ҳолда Кумушка яқинлашиб келди... Икки кундаш "эсон-эсониз, омон-омониз, эсон-омон юрибисизми..." сўзлари билан озорсиз қилиб бир-бирининг елкасига ва қўлга остига қўл юборишдирлар. Улар кўришиб турганда йўлакдан Юсуфбек ҳожи кўриниб, қочадурган хотинлар ўзларини четка олдилар. Ҳожи уларнинг олдига — юзага чиққан, Офтоб ойим салом бериб рўймоли билан тоғов остларини ўраб олди. Ҳожи қудачаси билан сўрашиб:  
— Баракалла, сингил! Хайтовур черчамай келдингларми, мен силзларни овора қилдимов, — деб уэр айтиб қулган ва уялиб борган қудачасига енгиллик берган бўлди.  
— Қани бек оғаси, кўрманини беринг-чи! — деди Ўзбек ойим Кумушни имлаб.

— Кўёнинг қиздиришидан чанги чиқиб кеткан хавлига сув сепаб турган Ойбодоқ ташқаридаги гулдир-гулдирни эшитди ва чапиб меҳмонлар ўлтурган уйнинг даричаси ёнига келди: "Келишканга ўхшайдирлар", деди. Ўзбек олим гапириб турган сўзини ярим йўлда қолдириб, ўрнидан турди ва меҳмонлар ҳам унга эргашдилар. Зайнаб бўзарган ҳолатда уйга югуриб кетди. Ўзбек олим бошлиқ — хотинлар ҳавли юзасига тушдилар. Моҳира олим қизи Хўшрўйнинг қулোগа нимадир шивирлаб кулиб қўйди. Ўзбек олим ўрта эшикка бориб етмаган ҳам эди, нариги ёқдан қўшнинг боғи югуриб кириб қолди.  
— Суйинчи беринг, бек буви, кенноийим келдила!  
Ўзбек олим чўнчағига қўлини солиб беш-ўн пул олиб берди. Бола орқасидан Хасанали кўринди:  
— Қани оёи, кўрманини беринг-чи, мен сизнинг қочқоқ келинчилигини тўтиб келдим! — деди ва йўлакка қараб: — Тўхтанг, тўхтанг, илгари мен суйинчимни ундириб олай.

— Кўёнинг қиздиришидан чанги чиқиб кеткан хавлига сув сепаб турган Ойбодоқ ташқаридаги гулдир-гулдирни эшитди ва чапиб меҳмонлар ўлтурган уйнинг даричаси ёнига келди: "Келишканга ўхшайдирлар", деди. Ўзбек олим гапириб турган сўзини ярим йўлда қолдириб, ўрнидан турди ва меҳмонлар ҳам унга эргашдилар. Зайнаб бўзарган ҳолатда уйга югуриб кетди. Ўзбек олим бошлиқ — хотинлар ҳавли юзасига тушдилар. Моҳира олим қизи Хўшрўйнинг қулোগа нимадир шивирлаб кулиб қўйди. Ўзбек олим ўрта эшикка бориб етмаган ҳам эди, нариги ёқдан қўшнинг боғи югуриб кириб қолди.  
— Суйинчи беринг, бек буви, кенноийим келдила!  
Ўзбек олим чўнчағига қўлини солиб беш-ўн пул олиб берди. Бола орқасидан Хасанали кўринди:  
— Қани оёи, кўрманини беринг-чи, мен сизнинг қочқоқ келинчилигини тўтиб келдим! — деди ва йўлакка қараб: — Тўхтанг, тўхтанг, илгари мен суйинчимни ундириб олай.

— Кўёнинг қиздиришидан чанги чиқиб кеткан хавлига сув сепаб турган Ойбодоқ ташқаридаги гулдир-гулдирни эшитди ва чапиб меҳмонлар ўлтурган уйнинг даричаси ёнига келди: "Келишканга ўхшайдирлар", деди. Ўзбек олим гапириб турган сўзини ярим йўлда қолдириб, ўрнидан турди ва меҳмонлар ҳам унга эргашдилар. Зайнаб бўзарган ҳолатда уйга югуриб кетди. Ўзбек олим бошлиқ — хотинлар ҳавли юзасига тушдилар. Моҳира олим қизи Хўшрўйнинг қулোগа нимадир шивирлаб кулиб қўйди. Ўзбек олим ўрта эшикка бориб етмаган ҳам эди, нариги ёқдан қўшнинг боғи югуриб кириб қолди.  
— Суйинчи беринг, бек буви, кенноийим келдила!  
Ўзбек олим чўнчағига қўлини солиб беш-ўн пул олиб берди. Бола орқасидан Хасанали кўринди:  
— Қани оёи, кўрманини беринг-чи, мен сизнинг қочқоқ келинчилигини тўтиб келдим! — деди ва йўлакка қараб: — Тўхтанг, тўхтанг, илгари мен суйинчимни ундириб олай.

— Кўёнинг қиздиришидан чанги чиқиб кеткан хавлига сув сепаб турган Ойбодоқ ташқаридаги гулдир-гулдирни эшитди ва чапиб меҳмонлар ўлтурган уйнинг даричаси ёнига келди: "Келишканга ўхшайдирлар", деди. Ўзбек олим гапириб турган сўзини ярим йўлда қолдириб, ўрнидан турди ва меҳмонлар ҳам унга эргашдилар. Зайнаб бўзарган ҳолатда уйга югуриб кетди. Ўзбек олим бошлиқ — хотинлар ҳавли юзасига тушдилар. Моҳира олим қизи Хўшрўйнинг қулোগа нимадир шивирлаб кулиб қўйди. Ўзбек олим ўрта эшикка бориб етмаган ҳам эди, нариги ёқдан қўшнинг боғи югуриб кириб қолди.  
— Суйинчи беринг, бек буви, кенноийим келдила!  
Ўзбек олим чўнчағига қўлини солиб беш-ўн пул олиб берди. Бола орқасидан Хасанали кўринди:  
— Қани оёи, кўрманини беринг-чи, мен сизнинг қочқоқ келинчилигини тўтиб келдим! — деди ва йўлакка қараб: — Тўхтанг, тўхтанг, илгари мен суйинчимни ундириб олай.

-1-

-2-

-3-

-4-

## САЛОМАТЛИК УЧУН ЗАРАРИ

Кўчқор яқин кўришиш узоқ вақт кўришса одам яқин қариндошу биродарларга хос экан. Бироқ сўнгги пайтда айрим кишилар, билиб-билмай ёки кимларгадир тақдир қилиб, кўчқорлардан сўнг ўпишиб кўришишни ҳам одатга айлантиришди-ки, масалага тиббий жиҳатдан, саломатлигини сақлашга доир муаян санитария-гигиена талаблари ва эпидемиология нуктаи-назардан қараганда бу ҳолинг хунук томонлари рўй-рост кўриниб қолаётди.

Одамлар кучоқлашиб ёки ўпишиб кўришганда кўришувчиларнинг бирортаси юқумли хасталик билан оғриган бўлса, у берибдан иккинчисига жуда осон юқиши мумкин. Ўпишиб кўришганда юқумли инфекциялар ўзини клиник жиҳатдан намоён этиб, лаблар, лунж ва милларнинг шиллик қавагини, тилини шикастлаши, стоматологик хасталикларга олиб келиши мумкин.

Тўғриси айтсам, кундалик ҳаётда тева-варак-атрофдаги кишиларнинг ўзаро муносабатларини, шу жумладан, саломлаш шикли охдатларини кузатар эканман, бир қўлни кўрақка қўйганча ҳурмат бажо келтирган ҳолда сўрашиш ёки ўзидан ёши улуг кишиларнинг қўлини сикқанча қўшқўлашиб кўришиш ўрнига кучоқлашиб, бошни уриштириб, ҳатто ўпишиб саломлашиш одатлари тобора кенг ёйилиб бораётгани айтилган тартибда. Ачинарлиси, қўнчилигимиз ана шу каби саломлашишни одатий тўсга киритдик ёки атрофимизда шундай сўрашиш урфга кириб бораётганига бефарқ, безеътор бўлмоқчимиз. Тўғри, анчадан буён дўстирмаган дўстимизнинг учратса ёки олис сафардан қайтган жигаримиз билан соғиниб сўрашаётганда уни бағримизга босиб ўз меҳримизни ифода этами. Аммо эркак кишиларнинг бош уриштириб, қўл билан турли хатти-харакатларни, ишораларни билдириб, шунингдек, ўпишиб кўришишлари асрий қадриятларимизга тўғри келмайдиган одатлар.

Кўп йиллар ўтиб, сочимга оқ оралаганига қарамай, имомнинг "Кўрдингми, болам, "ҳақинг саломи" ҳатто қажри қаттиқ ялмоғининг ҳам кўнглини юмшатар экан", деган сўзлари қулғим остида ҳамон янграётгандай бўлаверди.

**МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЙТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРАТИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ**

\*\*\*

**ҲОММАТ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ**

**adabiyoti va san'ati**

Манзилми: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32  
 Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзилми: uzas@b2c.uz  
 Котиябият — 233-49-93

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50 Санъат бўлими: 236-56-48  
 Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-57-42 Назм ва наср бўлими: 236-58-55

**Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ**

Табриятга келган кўнглилар таҳлил этилмайдиган ва муаллифларга қайтариладиган. Муаллифлар фикри таҳрират нуктаи назаридан фарқланши мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ  
 Навбатчи муҳаррир — Рустам МУСУРМОНОВ  
 Сахифаловчи — Элёр МАХМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмақонаси.  
 Босмақона манзили: Ўзбек Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 22.48

Газета "Ўзбекистон Матбуот" ва ахборот агентлигида 13.06.2007 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 4826 Буюртма Ғ — 844. Ҳажми — 3 Босма табоқ А-2. Нашр кўрсатиши — 222. Ташқиётлар учун — 223. 1 2 3 5

**Маматқул ЖЎРАЕВ, филология фанлари доктори**

**«АиФ»нинг 29-сонидан.**

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти жамоаси катта ўқитувчи Саодат Музаффаровага онас

**Рустамова ИНОБАТ аянинг**

вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардлиқ изҳор этади.

"Ўзбекинаво" эстрада бирлашмаси жамоаси бирлашма Андижон вилоят бўлинимаси директори Фахворий Сотвалдиевага отаси

**Исломжон СОТВОЛДИЕВнинг**

вафоти муносабати билан чўқур таъзия билдиради.

**ЖУМА КУНАЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН**

ISSN 2383-614X

9 772383 614000